

1-1-2019

ECONOMETRIC ANALYSIS OF INDICATORS OF EFFICIENCY OF FREE ECONOMIC ZONES

M.K. Rashidov

Tashkent State University of Economics Uzbekistan, 100066, Tashkent, Islom Karimov street, 49,
mels_rashid_k@mail.ru

H.N. Bakoev

Navoi State Mining Institute Department of Economics and Management, baqoyev_husan@mail.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot>

Recommended Citation

Rashidov, M.K. and Bakoev, H.N. (2019) "ECONOMETRIC ANALYSIS OF INDICATORS OF EFFICIENCY OF FREE ECONOMIC ZONES," *Economics and Innovative Technologies*: Vol. 2019 : No. 1 , Article 7.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2019/iss1/7>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Economics and Innovative Technologies by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ЭКОНОМЕТРИК ТАҲЛИЛИ

Рашидов Мэлс Каримович,
ТДИУ мустақил тадқиқотчиси
Email: mels_rashid_k@mail.ru

Бақоев Ҳусан Нуриддинович,
Навоий давлат кончилиқ институти
“Иқтисодиёт ва менежмент” кафедраси мудири
Email: baqoyev_husan@mail.ru

Аннотация: Мазкур мақолада эркин иқтисодий зоналарнинг самарадорлик кўрсаткичлари жорий ва базис йилга нисбатан эконометрик таҳлил қилинган. Бу таҳлиллар орқали эркин иқтисодий зоналарнинг минтақадаги назарий ва иқтисодий кўрсаткичларини солиштириш имконияти пайдо бўлади. Кўрсаткичларга асосан эркин иқтисодий зоналар такомиллаштиришга доир хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: инвестиция, эркин иқтисодий зона, инвестиция сиғими, инвестиция қайтими, инвестиция ҳажми, экстенсив омили, интензив омили, агрегат индекслар.

Аннотация: В данной статье эконометрический анализ эффективности свободных экономических зон сопоставлен с текущим и базовым годами. Эти анализы дают возможность сравнить теоретические и экономические показатели свободных экономических зон в регионе. На основании показателей были разработаны выводы и рекомендации по улучшению свободных экономических зон.

Ключевые слова: инвестиции, свободная экономическая зона, инвестиционный потенциал, возврат инвестиций, объем инвестиций, экстенсивный фактор, агрегированные показатели.

Abstract: In this article, econometric analysis of the efficiency of free economic zones has been compared to current and baseline years. These analyzes provide an opportunity to compare theoretical and economic indicators of the free economic zones in the region. Based on the indicators, conclusions and recommendations on improving the free economic zones were developed.

Keywords: investment, free economic zone, investment potential, return on investment, investment volume, extensive factor, aggregated indicators.

Кириш

Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш самарадорлиги авваламбор, ташкил этишдан аниқ қўйилган мақсад, тўғри танланган имтиёзлар тизимига боғлиқ. Агар қўйилган мақсадлар сони кўп бўлса ва аниқ белгиланмаган бўлса, имтиёзларнинг асоссиз равишда иқтисодий фаолиятнинг ҳамма турларига тарқалишига ва охир-оқибатда эркин иқтисодий зонанинг самара бермаслигига сабабчи бўлади. Эркин иқтисодий зоналарни тўғри ташкил этишдан улар жойлашган минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг қўйидаги жиҳатлари кўпроқ манфаат кўради. Кўрадиган самаралар қўйидагилардан иборат:

- аҳолининг бевосита ва билвосита иш билан таъминланиши;
- хорижий валютадаги тушумларнинг ошиши;
- миллий экспорт рақобатбардошлигининг ошиши;

- хорижий инвестициянинг кўпайиши;
- экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришда маҳаллий ресурслар, хизмат ва капиталга бўлган эҳтиёжларнинг ошиши;
- ишчи кучининг замонавий бошқариш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш услублари бўйича ўқитилиши ва малакасини ошириш;
- маҳаллий товарларни сотиш ҳажмини ўсиши учун реал имкониятлар яратилиши;
- банк, сўғурта ва бошқа фаолият турлари ўсишининг рағбатлантирилиши.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Эркин иқтисодий зоналар ташкил қилиш, уларни ривожлантириш, минтақалар иқтисодиётидаги ўрни мавзуларда кўплаб хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олим ва тадқиқотчиларимиз илмий изланишлар олиб боришган. Масалан, хориж олимларидан R.J. McCalla ўзининг «Эркин иқтисодий зоналарнинг географик жойлашуви ва уларда логистик хизматларни ташкил этиш»[5], таниқли немис олими M. Guangwen ҳам ўзининг «Эркин иқтисодий зоналар назарияси ва амалиёти»[6] тўғрисида, рус тадқиқотчиси Я.С. Друзик «Эркин иқтисодий зоналар фаолияти, унинг иқтисодиётдаги ўрни»[7] ҳақида ўз илмий ишларида келтириб ўтишган. Маҳаллий иқтисодчи олимларимиздан Ҳ.Р. Ҳамроев ўзларининг «Зонал сиёсат»[1] номли монографияларида ҳам эркин иқтисодий зоналарнинг фаолиятини тўлиқроқ ёритишга ҳаракат қилганлар. Аммо, эркин иқтисодий зоналарнинг эконометрик таҳлиллари юзасидан адабиётлар ва методологик асослар етарлича эмаслиги тадқиқотларимиз давомида аниқланди.

Тадқиқот методологияси

Эркин иқтисодий зоналаримиз ҳозирги кунда ижобий сальдода ишляпти, деб, айта олмаيمиз. Чунки бунинг таҳлил қилинмаганлиги ва самарадорлиги баҳоланмаганлигида деб, биламиз. Бунинг учун, “Навоий”, “Ангрен” ва “Жиззах” эркин иқтисодий зоналарини мамлакатимиздаги дастлабки эркин иқтисодий зоналар бўлганлиги учун танладик ва уларни кўп омилли индекслар усули ёрдамида фаолиятлари самарадорлигини баҳолашга мақсадга мувофиқ бўлади. Иқтисодий муносабатларни таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш шароитида мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналар фаолиятини илмий асосланган статистик кўрсаткичлар тизими асосида чуқур таҳлил қилиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг мавжуд имкониятларини белгилаш ҳамда ривожланиш тенденцияларини прогнозлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада статистик таҳлилни такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини илмий-услубий таъминлаш учун муҳим кўрсаткичларни тузиш ва прогнозлашнинг услубий масалаларини бу соҳадаги халқаро талабларга мувофиқ олиб бориш зарур.

Эконометрик моделлаштириш иқтисодиёт, математик статистика ва социология билан чамбарчас боғланган. Бу боғланишлар иқтисодиётни прогнозлаш, иқтисодий-ижтимоий ривожланиш билан боғлиқ. Статистик моделлар-миллий иқтисодиёт ва алоҳида иқтисодиёт тармоқлари ривожланиши элементларини тузилмалари, динамикаси, ўзаро алоқаларини кўриб чиқади.

Фикримизча, иқтисодий-статистик моделлаштиришнинг илмий мақсади объектнинг адекват моделини тузиш ва прогноз хусусиятларини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Бундай модель ўзида икки кўринишдаги ахборотни ҳосил қилиши

мумкин: биринчи, объектни мавжуд ҳолати ҳақида, иккинчидан, унинг келгусидаги ҳолати ҳақида.

Моделда мавжуд биринчи кўринишдаги маълумотлар адекват текширишдаги статистик мезонлар асосида ҳисобга олинади, мавжуд иккинчи кўриниш-модел қобилятидан келиб чиқиб, объектни истиқболдаги ривожланиш тенденцияларини ва қонуниятларини очиқ беради.

Фикримизча, эконометрик модель қўидаги асосий талабларни қондириши керак:

- иқтисодий категорияларни ифодалаши: кўрсаткичлар тизими, жадваллар ёки жадваллар тизими, гуруҳлашлар ёки гуруҳлашлар тизими, статистик тенгламалар ёки тенгламалар тизими, графиклар;

- етарлича улкан сонлар базасида ишончли маълумотларни тузиш.

- иқтисодий ҳолатни реал ва ўзаро боғланган ҳолда акс эттириш, йўналиш ва қонуниятларини белгилаш;

- билиш чегараларини кенгайтириш, яъни бошқа воситалардан олиш мумкин бўлмаган бундай маълумотларни олишни таъминлаш ва ҳ.к.

Юқоридагиларга асосланиб, Ўзбекистондаги дастлабки ташкил этилган уч (Навоий, Ангрен ва Жиззах) эркин иқтисодий зоналарини 2012–2016 йиллар яратилган саноат маҳсулоти ҳажми, капитал қўйилмалар ва инвестиция қайтими маълумотлари асосида омилли таҳлил индекси услубини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Бу эса ўрганилаётган даврда эркин иқтисодий зоналарда мазкур кўрсаткичларнинг иқтисодий-статистик таҳлилин кенгайтиради.

Кўпинча макроиқтисодий моделда омил белги сифатида капитал ва меҳнат харажатлари, натижавий белги сифатида маҳсулот қийматидан фойдаланилади.

ЭИЗларда инвестиция қайтими кўрсаткичи

$$K = \frac{B}{KB}$$

Бу ерда: **K**- инвестиция қайтими;

B- яратилган саноат маҳсулоти;

KB- инвестиция ҳажми.

1-жадвал

2013-2016 йилларда Ўзбекистондаги эркин иқтисодий зоналар бўйича яратилган саноат маҳсулоти ҳажми, инвестиция ва инвестиция қайтими ҳажми (2013-йилдаги таққослама нархларда, млрд.сўм)

ЭИЗ	ЭИЗларда инвестиция қайтими		инвестиция ҳажми		Яратилган саноат маҳсулот	
	K_0	K_1	KB ₀	KB ₁	B ₀	B ₁
“Навоий” ЭИЗ	26,5	9,0	3,5	11,2	92,8	100,6
“Ангрен” ЭИЗ	2,8	1,8	4,3	13,2	12,1	24,0
“Жиззах” ЭИЗ	0,6	1,6	3,5	141,6	2,1	222,6
жами	9,5	2,1	11,3	166,0	107,0	347,2

Манба: Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ҳисобланган.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича олинган маълумотлар асосида эркин иқтисодий зоналар индекслари ҳисобланади.

2-жадвал

2013-2016 йилларда Ўзбекистондаги эркин иқтисодий зоналардаги асосий кўрсаткичлар индексларини ҳисоблаш

ЭИЗ	Индекслар		
	Инвестиция қайтими	Инвестиция ҳажми	Саноат маҳсулот ҳажми
“Навоий” ЭИЗ	0,34	3,19	1,08
“Ангрен” ЭИЗ	0,64	3,08	1,98
“Жиззах” ЭИЗ	2,60	40,45	105,35
жами	0,22	14,69	3,24

Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ҳисобланган.

Ушбу индекслар таҳлилидан кўринадикки, мамлакатимиздаги эркин иқтисодий зоналар бўйича яратилган саноат маҳсулоти, инвестиция ва инвестиция қайтимида ўсиш юз берган. Агрегат индексларнинг иқтисодий мазмуни ва ҳисоблаш услуби юқоридаги 1-жадвалда берилган.

Фаолияти ўрганилаётган эркин иқтисодий зоналар саноат маҳсулоти ҳажмининг умумий индексини аниқлаймиз. Яъни:

$$I_B = \frac{\sum KB_1 x K_1}{\sum KB_0 x K_0};$$

бу ерда: KB – ЭИЗ фаолиятида инвестициялар ҳажми;

K – ЭИЗ фаолиятида инвестиция қайтими.

$$I_B = \frac{347,2}{107,0} = 3,24 \text{ марта}$$

Жорий даврда базис даврга нисбатан эркин иқтисодий зоналардаги саноат маҳсулот кўрсаткичи 3,24 мартага кўпайган.

Энди эркин иқтисодий зоналар фаолиятини ифодаловчи инвестиция қайтимининг умумий индексини аниқлаймиз (интенсив омил):

$$I_k = \frac{\sum KB_1 x K_1}{\sum KB_1 x K_0} = \frac{347,2}{418,6} = 0,829 \quad \text{ёки } 82,9\%.$$

Бу кўрсаткич мамлакат эркин иқтисодий зоналари бўйича инвестиция қайтими ўртача 17,1 фоизга камайганлигини кўрсатади.

Мамлакатда эркин иқтисодий зоналардаги инвестиция ҳажмининг умумий индексини аниқлаймиз (экстенсив омил):

$$I_{KB} = \frac{\sum KB_1 x K_0}{\sum KB_0 x K_0} = \frac{418,6}{107,04} = 3,91 \text{ марта}$$

Ўрганилаётган йилларда барча эркин иқтисодий зоналар бўйича инвестиция ҳажми ўртача 3,91 мартага кўпайди.

Агрегат индекслар тузилиши бўйича улар орасидаги алоқаларни ифодалайди.

$$I_B = I_{KB} \times I_k = 0,829 \times 3,91 = 3,24 \text{ марта}$$

Яъни, эркин иқтисодий зоналар саноат маҳсулот ҳажмининг умумий индекси биринчи омил ҳисобига ўртача 17,1%га камайган, иккинчи омил ҳисобига 3,91 мартага ошган, иккала омил ҳисобига 3,24 мартага кўпайди.

1-босқич: Омиллар бўйича ҳодисалар ҳажмининг мутлақ ўзгаришини ифодалаш. Ҳар бир омил ўзгариши ҳисобига натижавий кўрсаткичларнинг мутлақ ўзгариши индекслар тизимини қўллаш йўли билан аниқланади. Омиллар индексларига мувофиқ мутлақ ўзгариш алоҳида омиллар бўйича маҳраж ва сурат кўрсаткичлари орасидаги фарқ сифатида ҳисобланади.

Биз таҳлил қилаётган эркин иқтисодий зоналардаги саноат маҳсулоти ҳажмининг умумий мутлақ ўсиши қуйидагича ҳисобланади:

$$\Delta V = KB_1 \times K_1 - KB_0 \times K_0$$

Уни омиллар бўйича қуйидагича ажратиш мумкин:

$$\text{интенсив: } \Delta V_K = K_1 \times KB_1 - K_0 \times KB_1$$

$$\text{экстенсив: } \Delta V_{KB} = KB_1 \times K_0 - KB_0 \times K_0$$

1-жадвалдаги маълумотлар бўйича “Навоий” эркин иқтисодий зонасидаги маҳсулот ҳажми ҳисобот даврида базис даврига нисбатан 7,7 млрд. сўмга ошган (100,6 – 92,8). Бу кўрсаткичга ҳар бир омилнинг таъсирини аниқлаймиз:

а) инвестиция ҳажмининг ўзгариши ҳисобига;

$$\Delta V_{KB} = 9,0 \times 11,2 - 26,5 \times 11,2 = -195,2 \text{ млрд. сўм.}$$

б) инвестиция қайтимининг ўзгариши ҳисобига ($K_1 \times KB_1 - K_0 \times KB_1$) натижавий кўрсаткичларни мутлақ пасайиши қуйидагича;

$$\Delta V = 26,5 \times 11,2 - 26,5 \times 3,5 = 202,97 \text{ млрд. сўм.}$$

Шундай қилиб, “Навоий” ЭИЗнинг ялпи маҳсулот ҳажми:

$$\Delta V = \Delta V_{KB} + \Delta V_K = -195,2 + 202,97 = 7,7 \text{ млрд. сўмга тенг бўлди.}$$

Фикримизча, умумий индекслар асосида омиллар бўйича мутлақ ўсиш мос равишда тармоқлар индексини вужудга келтиради.

Умумий индексларни ўзаро боғланган икки омилли тизимлари учун мутлақ ўсиш қуйидагича ифодаланиши мумкин:

$$\Delta V = \sum KB_1 \times K_1 - \sum KB_0 \times K_0$$

1-жадвал маълумотлари асосида эркин иқтисодий зоналарнинг ўрганилаётган ҳудудлар бўйича саноат маҳсулотининг умумий ўсиши ҳисобот даврида базис даврга нисбатан омиллар ҳисобига 240,2 (347,2 – 107,0) млрд. сўмга тенг бўлган.

Дастлаб ҳар бир омилнинг таъсирини аниқлаб, сўнг уларнинг натижавий омилга муносабатини кўрсатиш зарур.

Шундай қилиб, инвестиция қайтимининг камайиши ҳисобига барча эркин иқтисодий зоналар бўйича саноат маҳсулоти умумий ҳажми –1225,2 млрд. сўмга камайган, инвестиция ҳажмининг кўпайиши ҳисобига саноат маҳсулотининг умумий ҳажми 1465,4 млрд. сўмга ошган. Кўриниб турибдики, бундай усулда мутлақ ўсиш (ΔV)нинг ҳисобланиши омиллар бўйича қуйидагича тенг: $\Delta V = \Delta K + \Delta KB$; $240,2 = -1225,2 + 1465,4$

Юқоридагиларни умумлаштириб хулоса қилиш мумкинки, инвестиция ҳажмининг ошиши сабабли 2016 йил 2013 йилга нисбатан саноат маҳсулотнинг ҳажми кўпайиш йўналишига эга бўлди. Интенсив омил саноат маҳсулоти динамикасига ижобий муносабатда бўлган.

Индивидуаллик асосида ўртача тортилган индекснинг ҳисоблаш услубини 3-жадвал маълумотларида кўришимиз мумкин.

3-жадвал

Таҳлилдаги эркин иқтисодий зоналар саноат маҳсулоти ҳажми, капитал қўйилмалар ва инвестиция қайтими индекслари (2013 йил 2016 йилга нисбатан)

ЭИЗ	Саноат маҳсулот ҳажми (2013 йил нархларида, млрд.сўм)		Инвестиция қайтими индекси(i_k)	Инвестиция ҳажми индекси (i_{KB})
	2013 йил	2016 йил		
“Навоий” ЭИЗ	92,8	100,6	0,34	3,19
“Ангрен” ЭИЗ	12,1	24	0,64	3,08
“Жиззах” ЭИЗ	2,1	222,6	2,6	40,45
жами	107	347,2	0,22	14,69

Экстенсив кўрсаткичлар динамикасини аниқлаш мақсадида умумий ҳолда ўртача инвестиция ҳажми ўртача тортилган арифметик индекс формуласида ҳисобланади:

$$I_{KB} = \frac{\sum i_{KB} \cdot KB_0 \cdot K_0}{\sum KB_0 K_0} = 418,87 : 107 = 3,91 \text{ марта}$$

Инвестиция ҳажми ҳисобот даврида базис даврга нисбатан ўртача 3,91 марта ошган.

Мамлакат эркин иқтисодий зоналарида инвестиция ҳажмининг умумлашган ҳолда бундай сезиларли кўпайиши Ангрен ва Жиззах эркин иқтисодий зоналарининг капитал қўйилмаларининг юқори даражаси ҳисобига эришилган.

Интенсив кўрсаткичлар, яъни инвестиция қайтимини ўртача тортилган умумий индекси ўртача гармоник индекслар формуласи бўйича ҳисобланади:

$$I_{KB} = \frac{\sum KB_1 K_1}{\sum \frac{KB_1 K_1}{i_{KB}}} = \frac{347,15}{44,82} = 7,74 \text{ марта}$$

Шундай қилиб, мамлакатдаги ЭИЗлар бўйича ўртача инвестиция қайтими ҳисобот даврида базис даврига нисбатан 7,7 мартага ортган. Бу ошишга биринчи навбатда “Ангрен” ЭИЗ ва “Жиззах” ЭИЗда инвестиция қайтимини сезиларли ошиши сабаб бўлди. Ўртача тортилган индексларнинг якуний натижасида “Навоий” ЭИЗ кўрсаткичларининг сезиларли силжишларини алоҳида кўрсатиш мумкин. Бунинг натижасида саноат маҳсулотнинг улуши “Жиззах” ЭИЗда юқори бўлди.

2-босқич: Индексларда ўртача миқдорлардан фойдаланиш. Ўртача даражаларнинг динамик таҳлили ўзаро боғланган индексларни тузиш асосида олиб борилади. Индекс барча омилларнинг ўзгариши ҳисобига интенсив кўрсаткичлар ўртача даражаларининг ўзгаришини характерлайди. Ҳисобланган индекслар асосан кўпайтувчига, қайсики ҳар бири бита кўрсаткич ўзгаришини кўрсатувчи ўртача динамикани кўрсатадиган, унинг силжишини ифодалайдиган омилдир.

4 - жадвал

ЭИЗларда саноат маҳсулот ҳажми ва капитал сиғими индекслари (интенсив кўрсаткичлар, инвестиция сиғими кўрсаткичи асосида кўриб чиқилади)

ЭИЗ	2013йил		2016 йил	
	Саноат маҳсулот млрд.сўм	Инвестиция сиғими	Саноат маҳсулот млрд.сўм	Инвестиция сиғими
	B_0	KE_0	B_1	KE_1
Навоий ЭИЗ	92,8	0,04	100,6	0,11
Ангрен ЭИЗ	12,1	0,35	24	0,55
Жиззах ЭИЗ	2,1	1,66	222,6	0,64
жами	107	X	347,2	x

Инвестиция сиғими инвестициялар ҳажмининг ялпи қўшилган қийматга нисбати асосида аниқланади, яъни: инвестиция сиғими + инвестиция ҳажми/ ялпи қўшилган қиймат.

$$I_{\frac{ПС}{КЕ}} = \frac{\sum KE_1 \times B_1}{\sum B_1} : \frac{\sum KE_0 \times B_0}{\sum B_0} = \frac{165,99}{347,2} : \frac{11,27}{107,0} = 4,54 \text{ ёки } 454\%.$$

Шундай қилиб, ЭИЗлар бўйича ўртача инвестиция сиғими омилларининг ўзгариши ҳисобига 4,54 баробар кўпайган.

Омилларнинг тузилмавий ўзгаришларини ҳисобга олмаган ҳолда ялпи маҳсулотнинг улуши $V/\sum V$ ўртача инвестиция сиғимининг ўзгаришини ифодалайди, яъни:

$$I_{\frac{ФС}{КЕ}} = \frac{\sum KE_1 \times B_1}{\sum B_1} : \frac{\sum KE_0 \times B_1}{\sum B_1} = 1,097 : 0,073 = 15,0075$$

Ҳар бир эркин иқтисодий зонанинг инвестиция сиғимининг пасайиши ҳисобига ҳудудлар бўйича ўртача инвестиция сиғими 15,07 баробар ошган. Омилларнинг тузилмавий ўзгариши қуйидагича аниқланди:

$$I_{\frac{СВ}{КЕ}} = \frac{\sum KE_0 \times B_1}{\sum B_1} : \frac{\sum KE_0 \times B_0}{\sum B_0} = 0,025 : 0,025 = 1,00 \text{ ёки } 100\%.$$

Шубҳасиз, ўртача инвестиция сиғими саноат маҳсулот салмоғини ошиши ҳисобига қарийб ўзгармаган, ЭИЗларда инвестиция сиғимининг энг паст даражаси “Ангрен” ЭИЗда кузатилди.

Юқорида ҳисобланган индекслар орасида қуйидагича боғланиш мавжуд:

$$I_{\frac{ПС}{КЕ}} = I_{\frac{ФС}{КЕ}} \times I_{\frac{СВ}{КЕ}} = 4,54 \times 15,075 = 68,44$$

Бу натижага асосан “Жиззах” ЭИЗ ҳисобидан эришилган.

Макроиқтисодий статистикада уч ва ундан ортиқ омиллар билан боғланган натижавий кўрсаткичлардан кенг фойдаланилади. Шунинг учун бундай мураккаб натижавий кўрсаткичлар динамикасини ўрганишда, ўзаро боғланган индекслар тизимини тўғри тузиш муҳим аҳамиятга эга. Бу масала икки омил ўртасидаги ўзаро боғланиш ўрганишдан мураккаб, шундай экан натижавий кўрсаткичлар ўзгаришига

таъсир қилувчи учта омилдан биттасининг ўзгаришини, иккитасини ўзгармас ҳолда қолдириш зарур.

Ўзбекистондаги эркин иқтисодий зоналарда инвестиция динамикасининг таҳлили асосида кўп омилли аддитив-мультипликатив индекслар тизимидан фойдаланиш мумкин.

5-жадвал

2013-2016 йилларда Ўзбекистондаги дастлабки уч эркин иқтисодий зоналар(Навоий,Ангрен,Жиззах)даги инвестиция ҳажмининг кўп омилли индексларини ҳисоблаш тартиби

ЭИЗ	Инвестиция сифими		Бир банд кишига тўғри келган саноат маҳсулот ҳажми(млн. сўмҳисобида)		Банд бўлганлар сони (киши)	
	a_0	a_1	b_0	b_1	c_0	c_1
“Навоий” ЭИЗ	0,04	0,11	167,217	158,353	555	635
“Ангрен” ЭИЗ	0,35	0,55	44,266	87,344	274	275
“Жиззах” ЭИЗ	1,66	0,64	64,024	201,977	33	1102
жами	X	x	X	x	862	2012

Манба: Ўзбекистон Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ҳисобланган.

Инвестиция ҳажми бир кишига тўғри келган ялпи маҳсулот ҳажми билан инвестиция сифими каби ҳисобланган кўрсаткичларга тенг,яъни:

$$KB=a.v.c.$$

Бундай боғланиш бу кўрсаткичларнинг индекслари орасидаги муносабатида ҳам кўринади.

$$I_{KB} = I_a \times I_b \times I_c$$

Ҳар бир омилнинг таъсири натижасида натижавий кўрсаткичларнинг ўзгаришини аниқлаймиз:

$$I_{KE} = \frac{\sum a_1 b_1 c_1}{\sum a_0 b_0 c_0} = \frac{165983,7}{11300} = 14,69 \text{ марта}$$

$$I_{KE} = \frac{\sum a_1 b_0 c_0}{\sum a_0 b_0 c_0} \times \frac{\sum a_1 b_1 c_0}{\sum a_1 b_0 c_0} \times \frac{\sum a_1 b_1 c_1}{\sum a_1 b_1 c_0} = \frac{18323,23}{11300} \times \frac{27178,12}{18323,23} \times \frac{165983,7}{27178,12} = 1,62 \times 1,48 \times 6,10 = 14,69 \text{ марта}$$

Шундай қилиб, барча омиллар ҳисобига эркин иқтисодий зоналардаги инвестиция ҳажми 14,69 марта ошган.

Юқоридагилардан шундай хулоса яшаш мумкинки, мамлакатдаги эркин иқтисодий зоналар инвестиция ҳажми инвестиция сифимининг ўзгариши ҳисобига 162 фоизга ошган, саноат маҳсулотнинг бир кишига тўғри келган меҳнат унумдорлиги 148 фоиз, эркин иқтисодий зоналарда банд бўлган ҳодимлар сони ҳисобига 6,10 марта ошган ва учала омил ҳисобига эса 14,69 марта кўпайган.

Таҳлилда кейинги қадам Ўзбекистон Республикаси эркин иқтисодий зоналар фаолиятида инвестиция ҳажмининг мутлақ қийматлардаги ўзгаришини ҳар бир омил таъсирида аниқлашдир,яъни:

$$\Delta KB_a = \sum a_1 b_0 c_0 - \sum a_0 b_0 c_0 = 18323,23 - 11300 = 7023,23 \text{ млн. сўм;}$$

$$\Delta KB_b = \sum a_1 b_1 c_0 - \sum a_1 b_0 c_0 = 27178,12 - 18323,23 = 8854,88 \text{ млн. сўм;}$$

$$\Delta KB_c = \sum a_1 b_1 c_1 - \sum a_1 b_1 c_0 = 165983,7 - 27178,12 = 138805,58 \text{ млн. сўм};$$

$$\Delta KB = \Delta KB_a + \Delta KB_b + \Delta KB_c = 7023,23 + 8854,88 + 138805,58 = 154683 \text{ млн. сўм};$$


Хулоса

Хулоса қилиб айтганда юқоридаги таҳлил маълумотларидан кўринадикки, Республикадаги дастлабки ташкил этилган биз таҳлил қилган эркин иқтисодий зоналарга киритилган инвестицияларнинг мутлақ ҳажми 2016 йил 2013 йилга таққослаганда 138,8 млрд. сўмга ошган. Шу жумладан, эркин иқтисодий зоналар инвестиция ҳажмида инвестиция сиғимини ўзгариши ҳисобига 7,023 млрд. сўмга ошган, бир кишига тўғри келган саноат маҳсулотнинг ўзгариши ҳисобига 8,854 млрд. сўмга кўпайган, бу эркин иқтисодий зоналар фаолиятида банд бўлганлар сонини ўзгариши ҳисобига 154,683 млрд. сўмга ошган.


Фойдаланилган адабиётлар

1. Ҳамроев Ҳ.Р. Зонал сиёсат: Монография.- Тошкент: Фан,- 2008.
2. Раҳматов Б.Б., Бақоев Ҳ.Н. Эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш йўналишлари. “Кончилик хабарномаси” 2009йил. 4-сон
3. Рашидов М.К. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг мазмун – моҳияти ва ҳудудлар ривожланишига таъсири “Иқтисод ва молия” илмий – амалий журнал // - Тошкент,2012. № 3. – Б.50 – 54.
4. Рашидов М.К. “Эркин иқтисодий зоналар самарадорлигини баҳолаш мезонлари”.“Иқтисод ва молия” илмий – амалий журнал // - Тошкент,2012. № 12. – Б.44 – 48.
5. McCalla R.J. The Geographical Spread of free zones Associated with Ports // Geoforum 21(1) (1990)123-128.
6. Guangwen M. The Theory and Practice of free economic zones: A Case study of Tianjin, People`s Republic of China // Doctoral Thesis, Ruprecht-Karls University of Heidelberg, Germany, 2003.
7. Друзик Я.С. Свободные экономические зоны. М.: ФУАинформ, 1999.


1-илова



2-илова



3-илова



Эркин иқтисодий зоналардаги асосий иқтисодий кўрсаткичлар

Т/р	Кўрсаткичлар	ЭИЗлар	Йиллар				
			2012	2013	2014	2015	2016
1	Саноат маҳсулоти (иш ва хизмат- лар) ҳажми (млн. сўм)	“Навоий” ЭИЗ	69093,1	92805,5	134102,2	142723,3	133837,9
		“Ангрен” ЭИЗ	5434	12129	186554	32920,6	31970,1
		“Жиззах” ЭИЗ		2112,8	29842,6	109062,7	296252,3
		Жами	74527	107047	350499	284707	462060
2	Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми (млн. сўм)	“Навоий” ЭИЗ	27360,5	3511,3	26901,9	11509,5	14846,9
		“Ангрен” ЭИЗ	14429,2	4354,4	257564,3	40320	17618,2
		“Жиззах” ЭИЗ		3529,4	23113	74235,6	188459,2
		Жами	41790	11395	307579	126065	220924
3	Киритилган хорижий инвестициялар (минг АҚШ доллар)	“Навоий” ЭИЗ	14813,7	3163	13760	4909,8	1744
		“Ангрен” ЭИЗ	12853,3	63854,3	46070	3330,2	1657,4
		“Жиззах” ЭИЗ		5255	4989,2	17744,2	37210
		Жами	27667	72272	64819	25984	40611